

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва кабул қилиш  
ШАРТНОМАСИ

2022 йил 12 Январь 05 -сон Беркюрэ Турган  
(шартнома тўзилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Чуқурэ Сувокатиле  
Довдат Сошиқ Истеъмолчи деб аталади, раҳбари Ф. Халимуратов  
(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари \_\_\_\_\_ б/р

Томондан ҳамда Низом ва 2022 йил 05 Январь да берилган 03-16-0933 сонли  
ишончнома асосида фаолият юритувчи Кудайдарэ Исмаилов (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади),  
(газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади),  
раҳбари Э. Нилмашев иккинчи томондан, қўйилганлар тўғрисида  
мазкур шартномани тўздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг  
келишилган буюртманомааси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади)  
етказиб бериш мажбуриятини олади. Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг  
1.4-бандида кўрсатилган хажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда  
туловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатнда амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига  
мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифициккага эга газ  
қурималари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда  
ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан  
фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки  
қўрсатилмаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим  
этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол  
қилиниши тахмин қилинаётган газ хажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган  
газ хажми техник шартларда белгиланган босим ва хажмда 20 \_\_\_\_\_ йилда  
қўб м, нархи \_\_\_\_\_ минг сўмини ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар  
бўйича қуйилганча тақсимланади:

I чорак	минг м3, январь _____	февраль _____	март _____
II чорак	минг м3, апрель _____	май _____	июнь _____
III чорак	минг м3, июль _____	август _____	сентябрь _____
IV чорак	минг м3, октябрь _____	ноябрь _____	декабрь _____



Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлик ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ таксимоти тармоқларининг нилаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қароридида қайд этилган стратегия ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20\_\_ йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми \_\_\_\_\_ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйилганини ташкил қилади:

I чорак _____	минг куб.м.	январь _____	февраль _____	март _____
II чорак _____	минг куб.м.	апрель _____	май _____	июнь _____
III чорак _____	минг куб.м.	июль _____	август _____	сентябрь _____
IV чорак _____	минг куб.м.	октябрь _____	ноябрь _____	декабрь _____

1.5. Агар, Истеъмолчи ойнар бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойнар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансида мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

## II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Сановат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнғуричи газлар) га мувофиқ тарзати табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тўзилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш даволатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгартганлиги тўғрисида бarchа усуллар орқали Истеъмолчинини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчинини газ етказиб бериш кискартрилишига қадар қамийда 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт. магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустафо. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол кискартрилишига ёки тўхатилади.

2.5. Магистрал ва таксимловчи газ қувурларининг технологик иш режимида бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа объектиларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадига Етказиб берувчи Истеъмолчинини олоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхатиб қўлиш ҳуқуқига эга. Истеъмолчи эваъ захирда ёқилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам амаллашни таъминлаш учун жавобгарлиқни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва ун етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондаларини мувофиқ захира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхатилиши тегишли даволатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва улларда ўрнатилган ускуналар, ГПП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, улларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришини олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатилиш ёки реконструкция қилишга техник шартлари олиши шарт. Г тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реқвизитлари ўзгартган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни казиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимиининг ягона узлуксиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табиий газ Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

## III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмастан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегараси ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйин аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш даволатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланishi ҳисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаи ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шароитда 1 м<sup>3</sup> газ олинди: харорат 20° С, бося 101.325 кРа (760 ммHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик қимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) қийматга бўйича тўзатилади.

Газ миқдори "ўзстандарт" агентлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шароитга автоматик равиш келтирилган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулк ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлаш тегишли қондалар ва меъёrlарга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилди. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси



истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТҲНАТ-АСКУП) дариға уланishi лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амаллари қондилар ва меъёрлари мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплекс этаси уни ишлатиш давомида О'з ДСт 8.030:2008 "Ёқилги ва энергия. Ҳисобга қўйилган умумий талаблар", О'з ДСт 8.031:2008 "Ёқилги ва энергия. Ҳлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш" давлат стандартлари талаблариға, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талаблариға риоқ қилиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амаллари меъёрлар ва қондиларға мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплекслари "ўзстандарт" агентлигининг жорий қиёсов кўриғидан ўтказилган сертификати ваёки метрологик аттестациясиға эға бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплексларининг қиёсов кўриқдан ваёки метрологик аттестациясидан ўлиш даврини "ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплекслари этаси газ ўлчаш приборларини қиёсов кўриғидан ўтказиш ваёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) "ўзстандарт" агентлиғиди метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бақарилиши учун масъулдир.

3.10. Режадалштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёсов кўриғи/қалиблар, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ваёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ваёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида қелишув бўйича ва иккаға томоннинг вақиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ваёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талаблариға ва амаллари меъёрлар ва қондиларға мувофиқ этаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вақили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режадалштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёсов кўриғи/қалиблар, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ваёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ваёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида қелишув бўйича ва иккаға томоннинг вақиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ваёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талаблариға ва амаллари меъёрлар ва қондиларға мувофиқ этаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вақили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вақилини, газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплексининг этаси чақиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масаллари Етказиб берувчи билан қелишилади.

3.13. Газнинг физик-қимёвий параметрлари (стандарт шароитлари зичлик, азот ва қарбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясиға киритилади.

Газ ўлчаш приборининг этаси газнинг физик-қимёвий параметрларини вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясиға киритишнинг таъминлиди. Етказиб берувчи Истеъмолиға газнинг физик-қимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлиди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборлариға ваёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашға таъсир қилган қисмлариға Истеъмоли иштирокида ўрнатиш ва тегишли даололатнома тузилади. ўрнатиш тамгалар бутлигиға Истеъмолиға жавоббардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолининг газ ўлчаш приборлари ваёки ўлч комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқини эға. Шу билан бирға, Истеъмоли ўзбекистон Республикаси қонунчилиғиға мувофиқ Етказиб берувчи вақилларининг ўлчаш приборлари ваёки ўлчаш комплексларини тўсиқсиз киришини таъминлиди.

3.16. О'з ДСт 8.586(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекс ва ўлчаш приборлари ишида ғайритабиий ҳолатлар юзига қелган тақдирда О'з ДСт 8.064:2017 бўйича газни миқдори ҳисобланади (коррекцияроқва). Ҳлчаш қурилмаси ва ёки ўлчаш комплекс фаолиятиға руҳсатсиз аралашиш ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-қитоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газда фойдаланиш усқунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-қитобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олманган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳол, истеъмоли қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охири хатловдан ўтказиб даололатномаси тузилган қундан аниқланган қунғача, лекин даъво муддатидан қў бўлмаган даврға;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва сҳемаси ўзгартрилганда - охири хатловдан ўтказиш даололатномаси тузилган қундан, лекин даъво муддатидан қў бўлмаган даврға;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманин 1.4 ва 1.5-бандларини инобатға олган ҳолда бир ҳисоб-қитоб давридан қўл бўлмаган вақтға.

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёсов кўриғидан ўтказиш учун ечилиганда – ҳисобга олиш прибори ечилиш қундан "ўзстандарт" агентлиғиди аттестация қиёсовдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойиға ўрнатиш қунғача бўлган вақтға.

д) ҳисобга олиш приборини қиёсов кўриғидан ўтказиш ваёки ўлч комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тулағида – қиёсовдан кўриғидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тулаған қундан қиёсов кўриғидида, ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилиш қунғача бўлган вақтға.

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмлариға ўрнатиш тамгаларининг бутлиги бузилганда – охири кўрик ёки газ таъминоти ташқилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-қитоб давридан қўл бўлмаган вақтға;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қўйилганда – охири кўрик ёки газ таъминоти ташқилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган қунғача бўлган вақтға;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини буздиштан г) қурулдирида ёки ГТПларида асбоб-усқуналар ўрнатишганда - охири кўрик ёки г)



таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларида ноконуний тарзда ташки таъсир кўрсатган ҳолда таъбий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда – ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво мuddатидан ортиқ бўлмаган мuddатга;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сақланган архив мавлумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан хисоб ойида мавлумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив жўрналларидан олинган мавлумотлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТҲНАТ (АСКУТ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда хисобот даври учун архив мавлумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган таъбий газ ҳажмлари тўғрисидаги мавлумотлар ТҲНАТ тизимида қайд этилган мавлумотлардан олинлади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари хисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов четрасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жихозларидан фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охири хатловдан ўтказиш даволатномаси тузилган кундан, хатлов даволатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охири марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмаёздан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қўрилмаси ўрнатилш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослангивчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) - бир хисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ ҳажминини пастки четраси остида сарфланганда, газ ҳажми хисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг мерёрий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки четрасида олинлади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб берилган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказилганга учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдан чиқканда ёки хисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиб ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичда Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек қорхонадаги газ ишлаётган газ асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланнишни таъминлаш шарт.

3.21. Хисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиб ҳолати аниқланган тақдирда қайта хисоб-китоблар охири кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво мuddатидан кўл бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z Dst 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари терметик ҳолатда бўлиши керак).

## IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мажбур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчилиқка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи хисоб-китоб қилиш даври бошланнишидан камиде 5 кун олдин Етказиб берувчининг хисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандлари, кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Хисоб-китоб даври бошланнишидан камиде 5 кун олдин хисоб-китобини 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хожинини билдирган истеъмолчилга хисоб-китоб амалга оширилган даврни кўрсатиб етказиб берилган таъбий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида хисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчининг билдирти тартибиде мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилга хисоб-китоб даври бошланнишидан камиде 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг хисоб рақамига таъбий газ етказиб беришга тўзилган шартномада кўрсатилган ойлик таъбий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлашлар шарт. Амалда истеъмол қилинган таъбий газ ҳажми учун якуний хисоб-китоб хисоб-китоб охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик қорхоналар ва ижтимоий аҳамиятта эга истеъмолчилар бундиде мустасно).

4.6. Истеъмолчи хар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятта эга Истеъмолчилар хисоб-китоб қилиш ойи тугатилган кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Таъбий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан таъбий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилимайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар э қелгусида газдан фойдаланишда хисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан таъбий газ етказиб бериш учун тузилган шартнома, белгиланганидан кўл ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдинда келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмларда ортиқча олинган таъбий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффицент билан оширилган тўлов ўндирилади.

Бунда, белгиланган тартибда хисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш хизмат кўрсатиш, текшириш ва созилиши мониторинг қилиш учун ечиб олиш шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмок, қиска туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабаб, истеъмол қилинган таъбий газ ҳажминини ўрнатилган газ асбоб-ускуналарини тўли қувавати бўйича хисоб-китоб қилиниши нагижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.



4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобга ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида хисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ киймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

4.12. Хисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолчини хисобга олиш приборидан кўрсаткичлари ёзиб олиш (ПТХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни хисобга олиш приборлари эга бўлмаган ва белгиланган мейёрлар бўйича хисоб-китоб қилгандан истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимида киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолчини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олингандан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш-қабул қилиш даволатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш даволатномасига асосан истеъмолчига электрон хисоббарак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун хисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш даволатномаси Истеъмолчида куйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этилган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқолишларнинг ҳажми тўғрисидаги даволатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқолишлар Истеъмолчи хисобга олиб борилди.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш даволатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нухасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш даволатномасига асосан электрон хисоббарак-фактурани қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш даволатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари, учун тўловлардан озод қилмайди. Уzatилган ёки қабул қилинган газ микдорини аниқлашдан норозил бўлган томон даволатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб қилиш оyi тўлатгандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг даволатноманинг бир нухасини Етказиб берувчи вакилга тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқишни керак.

4.17. Истеъмолчилдан дебитор қарзлари ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қуйилганидан сўнг ўзбошимچалик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг киймати газ узиб қуйилган кундан бошлаб,

уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлиқ қувват биришляб турishi хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нарьлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабар қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмолчиланган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кўрсатилган сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тарикас тўланган ҳажми учун тўлов қундан бошлаб кўпи билан кейинги 1 ой кўшимча тўлашдан озод қилинади.

## У. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.177 4.18-бандда кўрсатиб ўтилган хуқуқбузарликларга йўл қўйилши, Етказиб берувчи Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланган ва икки нухада тузилган даволатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган даволатномаси мувофиқ Истеъмолчилдан, фойдаланган газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми кийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчилиқда белгиланган жавобгарликки озод қилмайди.

## VI. ТАРМОҚДАН ҲИСОБ КЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида куйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда у ҳолатларнинг бартараф этилуғини қадар газ тармоқларидан узиб қуйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;

- Етказиб берувчи вакиллари тавдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш курлимагарини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;

- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаган;

- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли микдорда олинган тўлов натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;

- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли микдорда олинган тўлов амалга оширилмаганда;

- Етказиб берувчининг ва "ўзнефтгазинспекция"нинг кўрсатмалар бажарилмаганда;

- хисоблаш приборларига қасддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичлар ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-харакатлар амал қилинган ҳолатларда;

- газни хисобга олиш приборларига ташки тавсир кўрсатишга ҳаракат қилиш

- Газдан фойдаланиш қондаларига эид равшишда газ тармоқларига ноқону уланиш ёки бошқа қондабузарликлар ёқуд газни талон-тарож қилиш ҳолати аниқланганди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказиб молдий зарар ёки бой берилган фойда учун жавабгарликки ўз зиммасига олмайди.



6.2. Тармоққа қайта уланишда амалдаги конунчиликка мувофиқ Истеъмолчилар базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдоридида ҳақ ундирилади. Шартномаининг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ПТХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

## VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

### 7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

- ўзига қаршли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечиритиш;
- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;
- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини қамийда уч йил мобайнида ўзида сақлаишини таъминлаш;
- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларида кўрсатилган ҳолатлар содир этилганда ва ушбу ҳолатларни баргараф этилгунга қадар табиий газ таъминотини қўшимча оғоҳлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;
- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;
- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- конунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдирномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иссиқ суя ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичида алмаштириш;

Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эта бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартитриш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоқидан ўзиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки баргараф этиш юзасидан кечитириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзига келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни оғоҳлантирмастан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар баргараф этилгунга қадар аввалдан оғоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришнинг тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

### 7.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш даволатномасини ва ҳисоб-варқаксини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасига Етказиб берувчинг электрон газ ҳисоблонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ ҳўжаллиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жихатдан соз ҳолатда сақлаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарини мунтаза равишда кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертифициланмаган газлаштириш лойиҳасига (ПТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасинини уланишига йўл қўймастик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва “ўзнерфтгазспецкция” ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишини ҳисоб олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг истаган вақти, эркин кўздан кечирилишини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эта бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) баргараф этиш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўқтинлик қилувчи ҳаракатларни амал оширмастик, уларнинг қасдан бўзиллишига йўл қўймастик ва ўнатишган тамгаларини бутунлигини таъминлаш;



- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол ҳаёрдор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича марҳумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ТЎХНАТ-АСКУТ) тизимига ўланган ҳисоблаш приборлари истеъмолчи томонидан ўрнатилиши..

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйдагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрлари норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этилиши;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида ривож қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси беқор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариши;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларида мувофиқ бир томонлама беқор қилиши;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатилиши.

Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

### УШ. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйдаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларида қўшимча газдан фойдаланиш уқулмасини руҳсатсиз ўлаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганда;

д) маъмур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари миқдоридан жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳужжатлик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ти Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйдаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар.

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) киши даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиқлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узъб қўйилмайдиган объектлар рўйхатида киритилган қорхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатларда талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашининг рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларининг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдоридан, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

### IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қондаларга оид шартларни ва талабларни таъбиқ этилишини ифода қилади ва қароқотилади.

9.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га маъмур шартнома доирасида қуйдагиларни қафолатлайди ва қуйдаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қондаларига қатъий риоя қилади.

### X. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзата келган тақдирда томонлар қондага қўра, уларни сулғача хал этиш чораларини қўрайдилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни хал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган табиий газ таъминоти қилишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.



**XI. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР**

11.1. Томонлар:  
а) табиий офатлар;  
б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта пиялаш қорхоналари ва газ казиб чиқариш жойларида қўтилмаган авария вазиятлари юзата келганда, шунингдек енгиб бўлмас кўчлар туфайли содир бўлган табиий офатлар, хуусан, сел, ёмғир, сув тошқини, ёнғин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Хукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмаганда жавобгарликка жабоб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхатиш, қисқартриш ёки муносабларни тўхатиш хукукига эга бўлади.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатишган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сақланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қилди.

**XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилмиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Фананчилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб қўлга қиради.

12.3. Шартнома \_\_\_\_\_ йил 31 декабрда бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тўганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тўганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олгучилар ҳар йили "\_\_\_\_\_" йил 31 декабр санасига" амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

**XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОНДАЛАР**

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги "Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмни тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни олгучи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусxada тузилган, иккала нусхаси ҳам бир ҳил юридик қўчга эга.

**XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:**

«ЎТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Худудга Корхона»	«ИСТЕМОЛЧИ»
Манзил: Тел./факс: Нукус шаҳри, Бердак гузари №179	Нукус шаҳри, Меҳ.
К/УТ коди _____	Истеъмолчи агар 58%
XXI УТ _____ 35220	Бюджет ташкилотлари, хўжалик субъектлари номи
Боланиш телефони: 0361 224-04-08, 224-00-59, 224-02-43	Почта манзил: Акшар агар
х/р: _____	ОКПО коди _____
Банк номи: «Ўзсаноатқурилиш банк Раҳат филиали»	ОКЭД _____
МФО: 00435	Мулоқот телефони _____
ИНН: 306605769	Фаз/х _____
Х/р _____	Банк номи: _____
_____	МФО _____
_____	ИНН _____
_____	ш/х _____
_____	х/р _____



Юридик маслаҳатчи хўласаси:

Юридик маслаҳатчи хўласаси: \_\_\_\_\_

Масъулнинг адрови: \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги "Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмни тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни олгучи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

Юридик маслаҳатчи хўласаси: \_\_\_\_\_

20 22 г.



